



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 2 сентябрь, № 172 (6607)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидаан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Куйидагилар ўз табриklarини йўллашган:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Иордания Подшоҳи — **Абдуллоҳ Иккинчи**

Испания Қироли — **Фелипе VI**

Нидерландлар Қироли — **Виллем-Александр**

Таиланд Қироли — **Пумипон Адулядет**

Бруней Доруссалом Султони — **Ҳожи Ҳассанал Болкиях**

Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хэ**

Рим-католик черкови раҳбари — **Папа Франциск**

Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Вейонис**

Швейцария Конфедерацияси Федерал Президенти — **Йоханн Шнайдер-Амманн**

Греция Республикаси Президенти — **Прокопис Павлопулос**

Руминия Президенти — **Клаус Йоханнис**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Рухоний**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чан Дай Куанг**

Австралия Генерал-губернатори — **Питер Косгроув**

Арманистон Республикаси Президенти — **Серж Саргсян**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**

Япония собиқ Бош вазири — **Йоширо Мори**

“Боинг — фуқаро самолётлари” компанияси президенти ва бош ижрочи директори, “Боинг” корпорацияси вице-президенти — **Рэймонд Коннер**

“КОГАЗ” Корея газ корпорацияси президенти ва бош ижрочи директори — **Ли Синг Хун**

“Лотте Груп” раиси — **Шин Донг Бин**

“Шиндонг Энерком” компанияси раиси,

“Корея — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси раиси — **Ким Юн Сук**

“Хюндай Инжиниринг” президенти ва бош ижрочи директори — **Ким Ви Чүл**

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши раиси, “КЛААС” компанияси раҳбари — **Ян-Хендрик Мор**

“ЛЕМКЕН” компанияси ижрочи директори — **Антони ван дер Лей**

Жаҳон Бухоро яхудийлари конгресси президенти — **Лев Леваев**

“Сока Гаккай Интернэшнл” президенти — **Дайсаку Икеда**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари — **Петко Драганов**

БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили — **Стефан Приснер**

Британия Кенгаши ижрочи директори — **Киран Дивейи**

Британия — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси — **Хартли Бут**

Европа халқаро муносабатлар институти президенти — **Ирнерио Семинаторе**

Бремерхафен университети ректори — профессор **Петер Ритценгофф**

Қутловлар келиши давом этмокда.

Саҳро бағридаги улкан мажмуа



МУСТАҚИЛЛИК
ИНШООТЛАРИ

Сурғил кони негизида бунёд қилинган мазкур мажмуа дунёдаги нефть-газ соҳасидаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, жаҳондаги нуфузли ташкилот ва муассасалар, мутахассис ҳамда экспертлар, оммавий ахборот воситалари томонидан бир неча бор эътироф этилиб, халқаро мукофотларга лойиқ қўрилдики, буларнинг барчаси қалбимизда чексиз гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Дарҳақиқат, умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ бўлган ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш, бунинг ҳисобига 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролизли дистилят ва бошқа муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермокда.

Пойтахтимиздан поездда йўлга чиққан киши мазкур заводга етиб бориши учун салкам бир кеча-кундуз йўл босишига тўғри келади. Чунки табиий газ қазиб чиқариладиган конларгача бўлган масофа 1,5 минг километрни ташкил қилади. Яқин-яқингача мана шу бепоян кенликларда замонавий ишлаб чиқариш субъектларига гуруллаб ишлайди, деса, ҳеч ким ишонмасди. Ваҳолонки, асрлар давомида инсон оёғи етмаган саҳрода бугун ҳаёт қайнаяпти. Устюрт бағридаги бойликлар йирик мажмуаларда қимматбаҳо маҳсулотларга айланаётир.

Устюрт бағридаги замонавий саноат корхонаси ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. У тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида ҳаётга босқичма-босқич ва изчил табиқ этилаётган ислохотлар самарасидир. Зеро, Президентимиз 1992 йилдаёқ олдимизга “...Биз, даставвал,



қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантиришимиз... керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илгор технология билан жиҳозланиши, рақобатга бардошли маҳсулот

ишлаб чиқариши даркор. Республиканинг ўзидагина эмас, жаҳон бозор талабларига дош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши зарур”, дея улкан вазифаларни қўйган эди. Устюрт газ-кимё мажмуаси ана шундай

объект — хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга ихтисослаштирилгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

картография соҳаси ривожидда туб бурилиш ясади

Ҳар бир соҳа ривожини мамлакат тараққиёти ва истиқболига улкан таъсир кўрсатади. Картография ҳам иқтисодиётнинг замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган ана шундай муҳим йўналишларидан биридир.

ИСЛОҲОТ

Мустақилликдан олдинги даврда мазкур жабҳа эътибордан четда қолган бўлиб, картография фабрикасига янги технологиялар жорий қилинмас, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш масаласи ҳеч кимни қизиқтирмас, мутахассислар томонидан соҳа истиқболи учун таклиф этилган инновацион ишланмалар умуман инобатга олинмасди.

Ҳатто корхонага маънолироқ ном ҳам берилмади: “3-сонли фабрика”. Тўғри, кўп йиллик тарихга эга ушбу корхона бир неча марта қайта номланди. Бироқ ишлаб чиқариш

фаолияти марказга боғлиқлиги туфайли тайёрланадиган маҳсулотлар тури чегараланган, асосан, ёзувсиз назорат хариталаридан иборат бўларди. Мавжуд асбоб-ускуналар, хариталарни яратишда қўлланиладиган технологиялар маҳсулотни катта ададда чиқариш имконига эга эмас эди.

Истиқлол шарофати билан ушбу тармоққа бўлган эътибор тамомила ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши геодезия ҳамда картография оид фаолиятни ташкил этиш, бошқа-

риш ҳамда ривожлантириш масалаларига катта туртки берди. Орадан кўп ўтмай, “Картография” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилинган, картография соҳасида сифат жиҳатидан янги босқич бошланди.

Айтиш жоизки, мазкур ишлаб чиқариш субъекти юртимиздаги йирик полиграфия корхоналаридан бири ҳисобланади. Бугунги кунда у иқтисодиётимизнинг барча соҳасини, шу жумладан, таълим, халқ ҳўжалиги, аҳоли кенг қатламини турли харита ва атласлар, картографик маҳсулотлар билан таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмокда. Тайёрланаётган маҳсулотлар эса ранг-баранглиги, юксак сифати билан алоҳида ажрალიб туради.

Ҳар қандай жабҳа истиқболини, ҳеч шубҳасиз, замонавий технологиялар,

юқори унумли асбоб-ускуналарсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, картография соҳасини техник ҳамда технологик жиҳатдан мунтазам равишда модернизация қилмасдан туриб, жаҳон бозорига рақобатдош маҳсулот чиқаришининг имкони йўқ. Шуларни инобатга олган ҳолда, мустақиллик йилларида корхона илгор полиграфия ва офсет асбоб-ускуналари билан тўлиқ таъминланди. Германиядан тўрт бўёқли “Рапида” босма машинаси, Бельгиядан карта яратишнинг “Меркатор” номли янги дастури, Италиядан “Евро Биндер”, Япониядан “Раёби” машинаси ҳамда СТП каби жиҳозлар олиб келиниб, ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилди.

(Давоми 3-бетда).



БУРЧ

Кеча мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида биринчи курсга қабул қилинган курсантларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Ватанга садоқат ифодаси

Ўз келажагини энг шарафли касб билан боғлаган жасур ҳамда мард ўғлонларнинг Ватанга садоқат туйғусини ифодалайдиган ушбу маросим ҳар йили 1 сентябрь санасида ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Зеро, Истиқлол биз учун ҳаётимиз мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш имконини бергани билан кадрли ва мўътабардир. Айнан мустақиллик туфайли қисқа даврда шахар қишлоқларимиз ободликка юз тутиб, аҳолимизнинг турмуш даражаси ҳамда сифати юксалди, Ўзбекистонимизни жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланаётган, улкан салоҳиятга эга давлат сифатида тан олди. Биз эришяётган марраларга, тараққиёт йўлимизга ҳавас

ила боқаётганлар, ҳамкорлик қилишга интилаётганлар сафи эса тобора кенгайиб бораётир.

Шундай экан, улуг неъмат — Истиқлолнинг кадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Она юртига меҳр-муҳаббатли, садоқатли кишилар борки, ушбу масъулиятни доимо ҳис этиб яшайдилар. Айниқса, профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар фидоийликда намуна саналади. Шу боис ҳам улар зиммаларига юклатилган шарафли вазифани сидқидилдан адо этишга, халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга, мусавфо осмонимизни, сарҳадларимизни қўз қорачигидек асраб-авайлашга қасамёд қиладилар.

(Давоми 3-бетда).



Бунёдкорлик тимсоли

...“Кўҳна ва боқий Бухоро” маданий марказига қадам қўярсансиз, беихтиёр қалбингизда фахр ҳамда ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, бундан олти йил аввал Юртбошимизнинг гоёяси, ташаббуси билан барпо этилган мазкур мажмуа халқимиз ақл-заковати, бунёдкорлик салоҳиятининг чинакам намунасидир.

ИФТИХОР

107 гектар майдонни эгаллаган иншоот кўҳна Бухоронинг кўркига кўрк қўшди. Унга ўзгача салобат бағишлади. 700 ўринли вилоят мусикали драма театри биноси, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, “Кўҳна ва

боқий Бухоро” монументи ҳамда ҳудудда барпо қилинган улкан боғнинг бугунги таровати кишини лол этади. Дарвоқе, бу ерга 51 турдаги 28 минг тупдан зиёд кўчат ўтқазилган. Кўпчилиги хорихдан келтирилган каштан, эман, қора қара-

гай, катальпа, япон дроки каби ноёб дарахт ҳамда буталардир. Улар нафақат кўркемлиги, балки ўзидан кўп миқдорда кислород ажратиб чиқариши билан ҳам аҳамиятлидир.

Айниқса, монумент марказидаги уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она, бола, ниҳол ўтқазяётган бобо ва набира, уй қураётган ота ҳамда ўғилнинг барельефли ҳайкаллари тимсолига сингдирилган чуқур фалсафий маъно киши эътиборини тортади.

Бинобарин, инсон хайрли ишлар қилиш фикри билан

яшамоғи, она-юртнинг бугуни, эртаси, келажаги учун ўзини масъул, деб ҳис этмоғи зарур. Обидада номлари зарҳал харфлар билан ёзилган буюк олим Абу Али ибн Сино, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, тариқат алломалари Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Бахоуддин Нақшбанд, Хожа Ориф Ревғарий, адабиётимиз, маданиятимиз равнақига катта ҳисса қўшган Аҳмад Донишу Фитрат ана шундай эзгу ишлару даъватлар билан яшаб ўтишган...

— Президентимиз Бухорода

бўлганларида, бу маскан ёшларники эканини, улар ушбу марказни бу биз учун қурилган, дея ҳис этишлари зарурлигини таъкидлаган эдилар, — дейди моҳир гимнастикачи, мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар голиби, Зулфали номидаги Давлат мукофоти соҳиббаси Гулноза Алиева. — Чиндан ҳам, ёшлар, жумладан, менинг юрагимда бу маскан биз учун барпо этилган, деган фахр-ифтихор, миннатдорлик туйғуси бор. Ҳар гал шу ерга келганимда, тантанали тadbирларда иштирок этганимда қалбимда гурур ҳиссини туюман.

(Давоми 2-бетда).



Сахро бағридаги улкан мажмуа



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мажмуа 5 та асосий — газни ажратиш, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқариш ва энергия ресурслари билан таъминлаш заводларидан иборат, — дейди “Uz-Kor Gas Chemical” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раисининг биринчи ўрин-

босари Тўлаган Жўраев. — Уларнинг барчаси илгор технологик линиялар билан жиҳозлангани туфайли мамлакатимиз нефтьга тarmoги учун бутунлай янги бўлган полипропилен ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилди. Яна бир катта ютуғимиз юқори технология ускуналарни кечагина олий ўқув юрларини битирган, хорижий

мамлакатларда малака ошириб келган ёш мутахассисларимиз самарали бошқариб келаётганидир. Мажмуа дунёда етакчи ҳисобланган “Siemens”, “Linde”, “Hitachi”, “Cryostar”, “Kaji”, “Fives Cryo”, “Heta”, “Alpec”, “Sunjgin”, “Wooyang”, “DKT”, “Brothers Pipes” каби компанияларнинг юқори қувватли ускунала-

ри билан жиҳозланган. Улар ёрдамида биргина полипропиленнинг 13 турини тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада экспорт ҳажми ортиши баробарида, унга бўлган ички эhtiёж тўлиқ таъминланмокда. Илгари бу маҳсулот чет мамлакатлардан катта валюта ҳисобига олиб келинар эди. Эндикда юртимизда полипропиленнинг энг биринчи истеъмолчилари — гилам ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар жамоалари катта миқдорда маблагни тежаш имкониятига эга бўлди. Негаки, мажмуа фаолиятини бошлаганидан сўнг юртимизда полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 3,5 баравар ортди. Ушбу кўрсаткичлар дастлабки босқичдаги натижалар, холос. Келгусида рақамлар тобора ошиб бораверади.

Шўртан газ-кимё мажмуаси фойдаланишга топ-



ширилгач, юртимизда полиэтилен ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, у асосида турли янги маҳсулотлар тайёрлана бошланганини яхши эслаймиз. Худди шунингдек, полипропилен ишлаб чиқарилиши ҳам sanoатнинг қўшимча тармоқларини йўлга қўйиш, юқори қийматга эга халқ истеъмоли товарлари

ўзлаштирилишига катта туртки беради. Пировардида Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, аҳоли турмуш даражаси янада юксалишига хизмат қилаверади.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЕНГИЛ САНОАТ

Ишлаб чиқариш тармоқлари ривожига хорижий сармояларнинг ўрни бекиёс. Шу боис давлатимиз чет эллик ишбилармонлар учун қулай инвестиция муҳити яратишга доир устувор вазифалар ижросини изчил қўллаб-қувватлаяпти. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш истагидаги хорижий ишлаб чиқарувчилар сафи тобора кенгайиб бормокда. Бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар самараси енгил саноат корхоналари фаолиятида ҳам кўзга яққол ташланади.

Суръат ва сифат уйғунлиги

Хусусан, Фаргона вилоятида манзилли дастурлар доирасида биргина 2015 йилда жами 78,6 миллион АҚШ долларлик инвестициялар жалб қилинди. Шундан катта қисми тўқимачилик тармоқлари раvнақига йўналтирилди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳудуддаги енгил саноат субъектларида 16,5 минг киши иш билан банд. Тизимда фаолият олиб бораётган 42 та қўшма корхона ўз маҳсулотларини 30 дан ортиқ давлатга экспорт қилаяпти.

Риштон туманидаги “Rus — o‘zbek teks” қўшма корхонаси — шулардан бири. Бундан саккиз йил аввал 1 миллион 873 минг доллар миқдоридagi инвестиция эвазига фаолият бошлаган мазкур субъект калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Утган даврда бу ерда амалга оширилган кенг қўламли модернизациялаш тадбирлари натижасида мавжуд цехлар қарийб 256 минг долларлик илгор дастгоҳлар билан жиҳозланди. Пировардида йилига 4 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш имконияти ҳамда 412 та иш ўрни яратилди.

— Ҳадемай, технологик янгиланишларнинг учинчи



босқичига киришамиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Олимжон Олимов. — Шунга мувофиқ, жорий йилда Хитой ва Германия давлатларидан умумий қиймати 400 минг долларга тенг 6 та йигирув ҳамда қайта ўраш дастгоҳи харид қилинади. Натижада маҳсулот ҳажми 10 фоиз ортиши баробарида, яна 40 нафар маҳаллий мутахассис доимий даромад манбаига эга бўлади.

Бундай муваффақиятларни Қўқон шаҳридаги “Индорама Коканд Текстайл”, Бағдод туманидаги “Фергана спиннинг”, Маргилон шаҳридаги “Экспо Коллор Прин текс”, Данғара туманидаги “Му-савартекс”, Учқўприк туманидаги “Хумо тўқимачи”, Тошлоқ туманидаги “Дэу текстиль Фергана”, Қува туманидаги “Кува текстиль” корхоналари фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Албатта, интилиш ва изланиш соғлом рақобат муҳити ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида устувор талабдир. Бунга қатъий риоя этаётган тадбиркорлар суръат ва сифат уйғунлигига эришмокдалар. Қолаверса, соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасида Фаргона вилояти пахта толасини тўлиқ қайта ишловчи республикамиздаги ягона ҳудудга айланди. Бу эса унинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Элёржон ЭХСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Тараққиётингиз бардавом бўлсин»

Юртимизнинг гўзал манзаралари, бетакрор табиати, бой маданий меросимиз ҳамда урф-одат ва анъаналаримиз хорижликларни ўзига мафтун этиб, уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини янада бойитмокда. Сафар таассуротларини ўртоқлаган чет эллик меҳмонларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам буни англаш мумкин.

ЭЪТИРОФ

Карлос РЕЙ
(Испания):

— Ўзбекистон ҳақида турли китоблардан, интернет манбаларидан ўқиб, бу заминни ўз кўзим билан кўриш истаги туғилган эди.

Халқингизнинг бағрикенглиги, самимий муносабати менда алоҳида таассурот уйғотди.

Пойтахтингиз ва Фаргона водийси вилоятларидаги диққатга сазовор жойларни бориб томоша қилдим. Тошкентда илк эътиборимни тортган жиҳат, бу — манзарали дарахтлар, яшил майсазорлар, фаввораларнинг кўплиги бўлди. Биласизми, аксарият ривожланган давлатлардаги мегаполисларда осмонупар бинолар қурилишига катта аҳамият қаратилади-ю, айнан ландшафт дизайни масаласи унутилади. Лекин одамзод ҳаётини табиатсиз, яшилликсиз тасаввур этиш қийин. Пойтахтингизда эса бу борада ҳавас қилишга, ибрат олишга арзигулик ишлар кўп экан. Бозорларингизни ҳам айландим, мевалардан, миллий таомларингиздан татиб кўрдим. Юртингиз кўшида етилган қовун, тарвуз, олма, узум... оҳ-оҳ, уларнинг мазасини таърифлаш қийин. Палов, шўрва, манти, сомса сингари таомлар ҳам ажойиб. Испанияга қайтгач, яқинларимга булар ҳақида айтиб бераман. Ишончим комилки, улар ҳам Ўзбекистонга сафар уюштиришади.

Юн Хюн ХО
(Жанубий Корея):

— Тошкентдаги Турин политехника институтида ўқув машғулотларидан қатнашиш учун келганман. Ўзбе-

кистонлик талабаларнинг билимга чанқоклиги, кенг дунёқараши ҳамда салоҳияти ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Замонавий фикрлайдиган мана шундай янги авлод вояга етаётган экан, мамлакатингиз келгусида янада раvнақ топиши, шубҳасиз.

Имкониятдан фойдаланиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қўхна ва навқирон шаҳарларингизга ҳам саёҳат қилдим. Юртингиз қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганини, бу ҳудуд асрлар давомида Осиё ҳамда Европа ўртасида ишончли маданий ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилганини дунё аҳли яхши билади. Бугунги кунгача сақланиб қолган бебаҳо осориютиқалар, ноёб ёдгорликлар, нақшли безаклар ва мовий гумбазларнинг гўзаллигига боқиб, ушбу замин ўз даврида нафақат йирик савдо ўчоғи, балки илмфан ҳамда маданият маркази бўлганини ҳам англаш мумкин.

Бу шаҳарларда меҳмонларга яратиб берилган шарт-шароитлар, сервис хизмати, одамларнинг муносабати менга жуда манзур бўлди.

Итакура ЧИКА
(Япония):

— Ўзбекистон — улкан салоҳиятга эга мамлакат. Мазкур фикрни бугун дунё жамоатчилиги бот-бот такрорламокда, десам, муболага бўлмайди. Чиндан ҳам, мустақил тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлаётган мамлакатингиз барқарор иқтисодиёти, илм-фан, таълим, маданият, спорт, қўйинг-ки, ҳар бир соҳада эришаётган улкан ютуқлари билан ана шундай

таърифта муносиб эканини исботламокда.

Бир мисолни айтмай. Юртингизга сафарим Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган Олимпиада ўйинлари билан бир вақтга тўғри келди. Спортга қизиқишим юқорилигидан нафақат япониялик атлетларнинг, балки Ўзбекистон вакилларидан айримларининг чиқишларини телевизор орқали томоша қилдим. Ушбу мусобақаларда спортчиларингиз 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медални кўлга киритгани эътиборга лойиқ. Бу жуда зўр натижа. Ўйлаб кўринг, мазкур Олимпиадада 11 мингдан ортиқ спортчи голиб бўлиш учун интилди. Улар орасида совринли ўринларни эгаллаш, ҳақиқатан ҳам, улкан муваффақият. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Гулистон ҳамда Қарши шаҳарларига борганимда, кўнлаб спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзаларини кўриб, юртдошларингиз қўлга киритаётган натижалар беҳиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

Бригит ВИТЗЕЛ
(Германия):

— Мамлакатингизга бир неча бор келганман. Ҳар сафар мана шу гўзал диёр ҳақида янги маълумотлар оламан, унинг янги қирраларини кашф этаман.

Йўллар анча кенгайиб, янги кўприklar, хиёбонлар, мусиқали фавворалар барпо қилинибди. Яқинларимга эсдалик совғалари олиш мақсадида дўконларни айландим. Маҳсулот тури шу қадар кўпки, қайси бирини олишни билмай икчилиб қоласан, киши. Аксариятида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқ бор. Кўчалардаги автоуловларни айтмайсизми?! Уларнинг асосий қисми — Ўзбекистоннинг ўз автомобиллари. Мамлакат раvнақ топиб бораётганини турли рақамлардан эмас, мана шундай ҳаётий мисоллардан ҳам билиб олиш мумкин.

Саидазиз АЪЗАМОВ
ёзиб олди.

Бунёдкорлик тимсоли

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гулнозанинг айтганича бор. Ҳар куни бу ерга

дам олгани, “Кўхна ва боқий Бухоро” монументини томоша қилгани юзлаб кишилар келишади.

Айниқса, куёш ётоғига ботиб, намозом сепини ёйганида, бу ердаги манзарани томоша

қилиш мароқли. Биллур фаввора, ранг-баранг чироқлар ёғдусида маскан чинакам сайилгоҳга айланади. Йўлаклар бўйлаб борар экансиз, инглиз, француз, япон, корейс тилларида сўзлашиб, эмин-эркин юрган сайёҳларни кўрасиз. Бунёдкор халқимиз ақлзаковатига таҳсин айтасиз. Тинчлик ва фаровонлик омили саналган Мустақиллигимиз абадий бўлсин, деган эзгу тилакни юракка жо айлайсиз.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Тоҳир ИСҲАКОВ (ЎзА) олган сурат.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

● Қорақалпоғистон Республикаси

Президентимизнинг тегишли қарори асосида бунёд этилаётган халқаро аҳамиятга молик А-380 “Ғузур — Бухоро — Нукус — Қўнғирот — Бейнау” автомагистралининг 652 километри Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтади.

— Мазкур йўлнинг 698 — 753, 757 — 765, 916 — 964-километрларида қайта қуриш, “Нукус — Чимбой — Тахтакўпир”, “Нукус — Хўжайли” йўлларида реконструкция қилиш, Нукус кичик халқа йўлида таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди Шимоли-Ғарбий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бош мутахассиси Омониез Алексеев. — Ушбу автотрасса бўйида 4 та кемпинг ҳамда мотель, автомобилларга ёнилги қуйишга ихтисослаштирилган 7 та шохобча фаолияти, шунингдек, бошқа бир қанча замонавий сервис хизматлари йўлга қўйилди.

● Андижон

Андижон шаҳрида Ёшлар спорт мажмуаси очилиши туфайли ўғил-қизлар спортнинг 11 тури билан шугулланиш имкониятига эга бўлди.

— Бунёдкорлик ишлари 1,5 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилди, — дейди “Шинам футбол арена” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муҳаммадали Пўлатов. — Шунингдек,

мажмуамиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан зарур анжомлар билан жиҳозланди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар вилоятда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 28 миллиард 288 миллион сўм эвазига 18 та спорт зали барпо этилди.

● Бухоро

Ғиждувон туманидаги Зарангари қишлоғида муҳташам стадион бунёд этилди.

Унинг қурилиши учун Ўзбекистон футбол федерацияси ва ҳомий ташкилотлар томонидан жами 2 миллиард 100 миллион сўм сарфланди. Олти минг томошабинга мўлжалланган мазкур мажмуада футбол бўйича турли нуфузли мусобақалар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Тунги ёритиш тизими ўрнатилган. Мўҳлисларни иссиқ ҳамда ёғингарчиликдан ҳимоялайдиган соябонлар мавжуд. Жамоалар ва ҳакамларга мўлжалланган хоналарда барча қулайлик муҳайё этилган.

● Жиззах

Жиззах шаҳрида “Қўли гулдир ўзбек аёлин” ҳафталик кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Тадбирда 40 нафардан зиёд хотин-қизлар меҳнати намуналари намойиш қилинди.

— Кўргазмада воҳамиз шаҳару туманлардан ташриф буюрган хунарамандлар оилавий тадбиркорлик, куракчилик, тикувчилик, сунъий ясаш каби йўналишлар бўйича қатнашди, —

дейди вилоят ҳокимлиги котибияти мудир Нодира Алимова. — Ўзтиборлиси, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳам ўз маҳсулотларини тақдим этишди.

Кўргазма-савдо доирасида хунараманд аёллар ҳамкорлик шартномаларини имзолади. Шунингдек, тадбир якунида энг фаол хотин-қизлар ташкилотларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Навоий

“Navoiy taxi” масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ташаббуси билан Кармана туманида йўловчи ташиш хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида 25 та енгил автотранспорт воситаси келтирилди. Ушбу лойиҳа банкнинг 560 миллион сўмлик кредити билан қўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур туманда 90 та хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилган бўлиб, уларнинг 65 таси қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилди.

● Наманган

“Ибрат мегастройсервис” масъулияти чекланган жамияти ойнаган ишлов бериш йўли билан импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Лойиҳа ижроси учун 625 минг АҚШ доллари миқдоридagi сармоя йўналтирилиб, бу ерга хорижий технологиялар келтириб ўрнатилди. Унинг ёрдамида йилига 3000 квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрлаш мумкин. Янги меҳнат жамоасида 25 киши иш билан таъминланди. — “Mega glass” савдо белгиси остида ойнадан эшик, душ кабинаси, пол, мебель, аквариум,

ҳаракатланувчи эшиklar сингари ўндан ортиқ турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқараёпмиз, — дейди корхона раҳбари Иброҳим Ғайбуллаев. — Уларнинг барчаси ўзига хос дизайнга эга, фойдаланишга қулайлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, ойнага нақш ва бошқа тасвирларни тушириш, қумли ишлов бериш амалиётлари ҳам бажарилмокда.

Ички бозорга ўзининг замонавий маҳсулотлари билан қириб келган мазкур кичик бизнес субъекти айна кунларда бинокорлик ташкилотларидан дастлабки буюртмаларни қабул қилаяпти.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

картография соҳаси ривожда туб бурилиш ясади

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда корхона-га замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали карта тузишнинг янги — “Panorama”, “Free Hand”, “Arc Gis”, “FotoShor”, “Gis” дастурлари ўзлаштирилди. Натижада айни пайтда бу ерда жаҳон стандартлари-га жавоб берадиган ва рақобатдош картографик махсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

2005 йилда “Картография” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси таркибига “Ўздаверлойтих” институтининг “Агрохарита” картография фабрикаси қиритилди. Корхона ишчилари қисқа муддатда қишлоқ хўжалиги хариталарини яратишни муваффақиятли йўлга қўйишди. Иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилганч, харитани чизиш, тузиш, чоп этишга сарфланадиган вақт кескин қисқарди. Дейлик, аввал бир харитани чизишга 12 ой вақт сарфланиб, бу юмушни бажаришга 20 нафар ишчи-ходим жалб қилинган бўлса, ҳозирги кунда ушбу вазифани ўдалашга 6 ой ҳамда 5 на-

фар ишчи талаб этилади, холос. Пировардида “Картография” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан картографик махсулотлар тайёрлаш ҳамми 2014 йилда 3,8 миллиард сўмликни ташкил қилган бўлса, 2015 йили мазкур кўрсаткич 4,3 миллиард сўмликка етказилди. Айни чоғда корхонада 100 га яқин турли харитаю атласлар, картографик ва полиграфик махсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Вилоятларнинг табиий, иқтисодий ҳамда ўлкашунослик, сиёсий-маъмурий хариталари, шаҳарлар режаси, сейсмологик ҳудудлар, қишлоқ хўжалиги, аҳолиси, ер ресурслари, транспорт, сув ресурслари, 5 — 8-синфлар ўқувчилари учун тарих фани бўйича, 4 — 9 синфларнинг география фани

бўйича ёзувсиз, иқлим, Шимолий Америка, Африка, Осиё, географик кашфиётлар, Ўрта Осиё мамлакатлари, IX — XIII асрларда Ўрта Осиё давлатлари хариталари, шунингдек, ўқув-топографик ва туристик карталар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, тайёрланаётган махсулотларга ортиб бораётган талаб ҳамда эҳтиёжга мувофиқ, ишлаб чиқариш ҳамми ва турлари йил сайин кўпайтирилмоқда. Ўтган йили мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Географик атласи нашр этилди. Ҳозирги кунда Ўзбек тилидаги Ўзбекистоннинг Географик атласи, Маданий мероси альбоми, рус ҳамда ўзбек тилларида Ўзбекистоннинг ўлкашунослик атласлари чоп этишга тайёрланди.

Қисқача айтганда, бугунги — Истиқлол картография соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Зеро, унинг ютуқлари замирида мустақиллик берган улкан имкониятлар мужассам. Бинобарин, бундан бўён ҳам картография соҳаси иқтисодиётимизнинг молиявий барқарор, мустаҳкам рентабелли тармоқларидан бири бўлиб қолаверади.

Сония ИБРАГИМОВА,
«Картография» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси бош директори.

Учқудукда замонавий тиббиёт муассасаси

Учқудук туманида тиббиёт бирлашмасининг 60 ўринли биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тиббиёт муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда самардорлиги тобора юксалаётгани алоҳида эътироф этилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида 7,5 миллиард сўмлик маблаг эвазига барпо қилинган ушбу шифохонадаги шошилиш тиббий ёрдам, жаррохлик, болалар, гинеколо-

гия ҳамда туғуруқхона бўлимлари замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

— Янги муассаса учқудуқликлар учун ахойиб тўхфа бўлди, — дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Зафар Расулов. — Бу ерда беморларга аниқ ташхис қўйиш учун мўлжалланган энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим омилдир.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЛОМАТЛИК

Истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш — бош мезон

Истиқлол йилларида бизнес юритиш эркинлаштирилиб, тadbиркорлик ҳаракатиға кенг йўл очилди. Натижада соғлом рақобат муҳити вужудга келди. Бу эса бозор инфратузилмаси такомиллаштирилиши, молия-банк тизими фаолияти кўлами кенгайтирилишиға замин яратди. Айниқса, кичик бизнес субъектларининг аграр соҳадаги инвестициявий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги махсулотлари таркибини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

ЖАРАЁН

Маълумки, мамлакатимиз деҳқонлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кўп йиллик бой тажриба ҳамда оқсак илмий салоҳиятга эга. Қолаверса, серкўёш Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, офтобли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви ўта мазали, истеъмол хусусияти юқори, энг асосийси, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган мева-сабзавотлар етиштиришға қўлай имконият яратди. Шу боис бугунги кунда юртимизда қишлоқ хўжалиги ходимларини яқиндан қўллаб-қувватлаш, етиштирилаётган махсулотлар таркибини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан муайян чора-тadbirlар амалга оширилаётир. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастурлари орқали жойларда интенсив боғлар яратиш, иссиқхоналар барпо этиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда уларни узоқ муддатга сақлашға мўлжалланган йирик музлаткичлар яратиш каби қўллаб лойиҳалар рўёбға чи-

қарилаяпти. Бунда тadbиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳамда хорижий банклар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли равишда кредитлар ажратилаётгани, айнисқа, қўл келмоқда.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилға мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ташки бозорларда харидоригр, юқори қўшимча қийматға эға бўлган замонавий тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичға кўтариш тайёр махсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин тугдиради. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг бутун жараёнини — хом ашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр махсулотға айлантиришға бўлган йўлини — цикли-

ни, сарфланган харажатларнинг мақсадға мувофиқлиги ва нечоғли ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш даркор.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тadbиркорларнинг инвестиция, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларини яқиндан қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди томонидан талайгина ишлар амалға оширилмоқда.

Тadbиркорнинг муваффақиятли фаолияти, аввало, пухта бизнес-режа ва сармоғға боглик. Фондимизнинг асосий вазифаси эса айнан шунға қаратилган. Яъни лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ҳамда уларға тижорат банклари томонидан кредит берилишини ташкил этишға кўмаклашишдан иборат.

Лойиҳа ҳужжати (бизнес-режа, техник-иқтисодий асослар) тadbиркорликда энг муҳим жиҳат саналиб, унда белгиланган кўрсаткичлар доира-сида фаолият юритиш зарур. Чунки бу банк кредитини ўз вақтида қайтаришда энг аҳамиятли омилдир.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳа-ғоялари (лойиҳа ташаббускори томонидан ишлаб чиқилган, қарз маблағларини жалб этишни назарда тутувчи лойиҳани амалға ошириш тўғрисидаги таклиф) танлов асосида ажратиб олинади. Эътиборлиси, танловлар қисқа муддатларда, тенг рақо-

бат остида, очиклик ва холислик тамойиллари асосида амалға оширилаяпти. Шунингдек, инвестиция лойиҳалари бўйича аризаларни фонднинг www.ffpd.uz электрон манзили орқали қабул қилиш амалиёти жорий этилган бўлиб, тadbиркорлар қайси вилоятда фаолият юритаётганлигидан қатъи назар, буюртма-номаларни тўғридан-тўғри pdf.fund@gmail.com электрон почтаси орқали тақдим этишлари мумкин. Бунинг эвазига буюртма-номаларни қабул қилиш муддатлари кескин қисқартирилиб, тadbиркорларнинг вақти ва маблағи тежалаетир.

Бундан ташқари, инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчинини аниқлашда нафақат унинг сифати ёки баҳоси, балки тайёрлаш муддатларига ҳам алоҳида эътибор берилаётгани улар ижросини жадаллаштиришға хизмат қилаяпти.

Қувонарлиси, фонд фаолиятиға тadbиркорлар қизиқиши йилдан-йилға ортимоқда. Жумладан, ўтган тўрт йил давомида фонд кўмағида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг 530 дан зиёд

инвестиция лойиҳалари амалға оширилган бўлиб, улар бўйича тижорат банклари томонидан 225 млрд. сўмликдан ортик кредит маблағлари ажратилган. Ушбу лойиҳалар республикамизнинг барча ҳудудиға тегишли бўлиб, асосан, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика, қурилиш, мебелсозлик, тўқимачилик, металлургия, машинасозлик саноати ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади. Айтайлик, “Elite yarn” масъулияти чекланган жамиятиға Жиззах вилоятида 2 гектар майдонда иссиқхона барпо этиш бўйича 2025,0 млн. сўмлик лойиҳасиға амалий ёрдам кўрсатилди. Ёки “Боботог олтин куз” масъулияти чекланган жамиятининг Шўрчи туманида мева-сабзавот сақлашға мўлжалланган умумий қиймати 450 минг АҚШ долларлик лойиҳаси бўйича арзон нарх ва қисқа муддатда техник иқтисодий асоснома ишлаб берилиб, тижорат банкидан 200 минг АҚШ доллар микдорида кредит маблағлари олинишиға кўмаклашилди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Мухими, тadbиркорлик субъектлари фонд билан ҳамкорлик қилиб, элу юртимиз фаровонлиги, иқтисодиётимиз барқарорлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг жамиятдаги мавқеини ошириб, ички бозорни сифатли товар ва хизматлар билан таъминлаш, экспорт ҳажмини кўпайтиришға хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бахтиёр УМАРОВ,
Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги
Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини
тайёрлашни молиялаштириш фонди эксперти.



Ватанға садоқат ифодаси

маросимидир, — дейди курсант Султонмурод Музаффаров. — Буни биз, ҳарбий хизматчилар қалбан чуқур ҳис қиламиз. Ҳаммамизнинг мақсади-миз битта: юртимиздаги тинчлик ва осийишталикни таъминлашға муносиб ҳисса қўиш.

салтириш, аҳолининг тинч ҳаёт кечирешини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар самараларини яна бир қарра таъкидлади.

— Сафдаги йигитларнинг юз-кўзига бир разм солинг-а, — дейди маросимда қатнашиш учун

мустаҳкамлаб, янада кучкуватға тўлиб, офицер бўлади, Қуролли Кучларимиз сафида юртимиз тинчлиги йўлида хизмат қилади.

Бундай маросимлар, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус



Ҳасан ПАЙДЮЕВ олган суратлар.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида биринчи курс курсантларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилишға бағишлаб ўтказилган маросимда тегишли вазирлик ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар мамлакатимиз мудоғаа салоҳиятини юк-

Шахрисабз туманидан келган Саломат Сафарова. — Улардаги ишончу қатъиятни дарров сезасиз. Мана шундай фидойи, мард фарзандларимиз бизнинг ғуруримиз, таянчимиздир. Ўғлим Жаҳонгирни ҳарбий либосда қўриб, унинг Ҳарбий қасамёдини эшитиб, бошим осмонға етди. Насиб этса, билимни

факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртларида ҳам бўлиб ўтди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

● Самарқанд

Нуробод туманида замонавий даволаш профилакторийси иш бошлади. Навоий кон-металлургия комбинати томонидан бу ерда кенг кўламли реконструкция ишлари бажарилиб, мажмуа илғор тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Қолаверса, Заркент кўргонида комбинат ташаббуси билан очилган аквапаркда кончилар

оилаларининг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган.

— Вилоятнинг энг олис ҳудудидаги мазкур қўлайлик туфайли бола-жонларнинг қувончу шодлиги бир олам, — дейди ишчи Раҳимдин Улуғмуродов. — Уларнинг бу хурсандчилиги эса бизни янада янги ташаббуслар кўрсатишға ундайди.

● Сирдарё

Ховос туманидаги “Қахрамон” қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишға топширилди.

Ушбу таълим масканининг кўркам биносида ўқувчиларнинг санъат сирларини пухта эгаллашлари учун зарур шароитлар мавжуд. Хусусан, мактаб кенг ҳамда шинам 150 ўринли концерт залиға эға. Устахоналарда эса амалий санъатнинг бир нечта йўналиши бўйича машғулотлар ўтказиш мумкин.

— Қўллаб ота-оналар каби бизнинг оиламиз аъзолари ҳам жуда мамнун, — дейди шу қишлоқ фуқаролар йигинида истикомат қилувчи Ёдгор Мардиев. — Боиси, ўғлим Ихтиёр санъатға жуда қизиқади. Эндликда у ҳудудимизда бунёд этилган мусиқа ва санъат мактабида сабоқ олади.

● Сурхондарё

Денов туманида фаолият кўрсатаётган “Чинигул Дур” масъулияти чекланган жамияти қошида йилға 5 миллион дона гишт тайёрлашға ихтисослаштирилган корхона ишға туширилиб, бир йўла 20 нафар коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

— Қиймати 400 миллион сўмлик замонавий дастгоҳлар орқали кунига 8 минг дона сифатли

деворбоп материал тайёрланмоқда, — дейди корхона иш бошқарувчиси Бехзод Каримов. — Қурилиш ашёлари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар массивларига етказиб берилаяпти.

Таъкидлаш керакки, жамият жамоаси йил охириға қадар темир-бетон буюмлари тайёрлаш линиясини ҳам фойдаланишға топшириш ниятида.

● Тошкент вилояти

Бекобод шаҳридаги “Бекобод кўргони” масъулияти чекланган жамияти қошида фаолият бошланган замонавий тегирмон кунига 120 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватиға эға. Хорижнинг юқори унумли технологик линиялари билан жиҳозланган мазкур корхонада махсулотнинг сифат кўрсаткичлари компьютер дастурлари орқали назорат қилинади. Шу боис бу ерда тайёрланаётган олий, 1 ва 2-навли ун ҳамда ёрмаға нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта.

— Унни бойитиш технологиясидан ҳам самарали фойдаланаямиз, — дейди муҳандис А. Махкамов. — Махсулот таркибидаги шифобахш маъданлар кўрсаткичи меъёрида бўлишни таъминлаш учун корхонамизда махсус лаборатория ташкил этилган.

● Фарғона

Вилоят ҳокимлиги, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган “Мустақиллик — менинг тасаввуримда” номли ижодий ишлар танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

Истиқлол йилларида юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда самараларини тарғиб этиш мақсадида эълон қилинган мазкур ижодий беллашувда 6 ёшдан

12 ёшгача бўлган 700 дан ортик иқтидор эгалари қатнашди.

— Ушбу танловда муваффақиятли иштирок этдим, — дейди Садор Жақбаралиев. — Расм чизиш — семимли машғулотларимдан бири. Ижодий ишимда Фарғона водийсининг бетакрор манзараларини қорғозға туширдим. Унда юртимизнинг тобора гўзаллашиб бораётган жамолини турли рангларда ифодалашға ҳаракат қилдим.

● Хоразм

“Хоразмдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти томонидан Гўрлан ва Урганч туманларида иккита янги лойиҳа рўёбға чиқарилди.

Гап шундаки, ҳудудларда кунига 1,5 тонна қандолат махсулотлари тайёрлаш қувватиға эға линиялар ишға туширилди. Бунинг учун 1 миллиард сўмдан ортик маблаг сарфланди.

Пировардида яратилган 30 дан зиёд иш ўринлариға қасб-хунар коллежларини битирган ёшлар қабул қилинди.

● Қашқадарё

Қарши ва Муборак шаҳарларидаги телерадиоэтиш станцияларида янги авлод рақамли узаткичлари ўрнатилди. Мазкур илғор тизим тасвир ҳамда овознинг юқори сифат ва тинчликда тарқатилишини таъминлайди.

Вилоят радиотелеуза-тиш маркази директори Акмал Шодмоновнинг таъкидлашича, “DVB-T2” стандартида ишлайдиган ушбу узаткичлар Герма-

ниянинг “Rohde&Shwarz” компаниясида ишлаб чиқарилган.

Умуман, ҳозиргача амалға оширилган саёй-ҳаракатлар натижасида вилоят аҳолисини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси қарийб 80 фоизға етди. Йил охириға бориб, яна 7 та объектда замонавий телеузаткичлар ўрнатиш ҳамда теледастурлар сонини ошириш кўзда тутилаётир.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Спорт

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё саралаш мусобақаси учинчи босқичи дастлабки учрашувида Сурия футболчилари устидан 1:0 ҳисобида галаба қозонди.



Дастлабки уч очко қўлга киритилди

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) томонидан Осиё давлатлари учун 2018 йилги жаҳон чемпионати-га 4,5 йўлланма ажратилган. Осиё саралаш мусо-

бақасининг учинчи босқичида қўғамизининг энг кучли ўн икки терма жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ана шу йўлланмалар учун рақобатлашмоқда. Қоидага кўра, ҳар

бир гуруҳдан кучли икки терма жамоа жаҳон чемпионати-га тўғридан-тўғри йўлланма олади. Учинчи ўрин соҳиблари эса дастлаб ўзаро куч синашади. Икки ўйин натижасига

кўра голиб чиққан терма жамоа қўғалараро плей-офф учрашувида қатнашади.

Бу босқичда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Қатар ва Сурия миллий терма жамоалари билан «А» гуруҳидан жой олган.

«Бунёдор» стадионида ўтказилган гуруҳнинг илк учрашувида футболчиларимиз сурияликларни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиш, дастлабки уч очко-ни қўлга киритди. Терма жамоамизга галаба келтирган голга Александр Гейнрих муаллифлик қилди.

Гуруҳдаги Жанубий Корея ва Хитой терма жамоалари ўртасидаги баҳсда 3:2 ҳисоби қайд этилди. Эрон терма жамоаси эса Қатар терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида галаба қозонди.

Ўзбекистон терма жамоаси 6 сентябрь куни ўтадиган навбатдаги ўйинда қатарлик футболчилар меҳмони бўлади.

Юртдошимиз — жаҳон чемпионати совриндори

Мамлакатимизнинг иқтидорли спортчиси Илҳом Баҳромов Францияда эркин, юн-он-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

Ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасида Осиё чемпионати, II Ўсмирлар Олимпиадаси голиби Илҳом Баҳромов юн-он-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувларда эронлик Сайфуллоҳ Мухсин Находни, АҚШ вакили Рандон Дрю Мирандани ва грузиялик Нугзар Цурцумиани енгиб, иккинчи ўринни эгаллади.

4 сентябрда қадар ўтказиладиган мазкур мусобақада спортчиларимиз эркин ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича беллашувларда ҳам қатнашади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

Халқаро турнирлардаги натижалар



Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари Хитой ва Қозоғистондаги мусобақаларда иштирок этмоқда.

Қозоғистонда ўтаётган мусобақанинг яқкалик баҳсларида ёш теннисчиларимиз Арина Фольц ва Полина Меренкова илк даврада галаба қозондилар. Иккинчи даврада А. Фольц россиялик А. Калининга, П. Меренкова яна бир рус теннисчиси В. Кудерметовага имкониятни бой берди.

Халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида Арина Фольц қозоғистонлик Александр Гринчишина билан бирга россиялик Диана Шевченко ҳамда мезбон теннисчи Карина Калкеновани мағлубиятга учратиш, чорак финалга йўл олди. Ушбу босқичда Арина ва Александра россиялик теннисчилар Полина Монова ҳамда Валерия Савинийхга қарши майдонга тушади.

Навбатдаги босқичда Нигина яна бир хитойлик теннисчи Юкун Жангдан, Сабина эса Хитой Тайпейи вакили Чиеҳ-Ю Хсудан устун келди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент автомобиль-йўллар институти

2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун):

05.08.06 — Филдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш — 3 ўрин;
05.23.06 — Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар — 1 ўрин.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий қилингунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ва тезислар (камида иккита) нусхаси;
— талабгорнинг илмий ҳамда илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация комиссияси (ОАК) ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди илмий даражасига эга талабгорлар бундан мустасно);
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Қабул имтиҳонлари рўйхати:

— мутахассислик;
— Ўзбекистон тарихи;
— фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси;
— чет тили.

Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан овоз қилинади.

Шунингдек, юқорида қайд этилган ихтисосликлар бўйича мустақил изланувчиликка (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун) қабул эълон қилинади.

Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй, 6-хона.
Телефон: (0-371) 232-15-34.

11649/327

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент архитектура-қурилиш институти

2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун):

01.02.00 Механика:
1. 01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси 1 ўрин
2. 01.02.05 — Суюқлик ва газ механикаси 1 ўрин
05.09.00 Қурилиш:
3. 05.09.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар 1 ўрин
4. 05.09.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари 2 ўрин
18.00.00 Архитектура:
5. 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш 2 ўрин
6. 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси 2 ўрин

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ҳамда нашрларда чоп этилган илмий мақолалар (камида учта) ва тезислар (камида иккита) нусхаси;
— талабгорнинг илмий ҳамда илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация

комиссияси (ОАК) ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди илмий даражасига эга талабгор бундан мустасно);
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Қабул имтиҳонлари рўйхати:

— мутахассислик;
— Ўзбекистон тарихи;
— фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси;
— чет тили.
Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгор кириш имтиҳонларини топширишдан овоз қилинади.
Шунингдек, юқорида қайд этилган ихтисосликлар бўйича мустақил изланувчиликка (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун) қабул эълон қилинади.
Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-уй, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Архитектура факультети биноси, 2-қават, 203-хона.
Телефонлар: (0-371) 241-80-02, 241-11-73, 241-13-73. E-mail: taqi-ib@mail.ru

11649/330

«REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

Бухоро шаҳар СИБнинг 2016 йил 27 ва 29 августдаги 01-11-сонли буюртма хатларига асосан, бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Бухоро вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 24 декабрдаги 20-1504/7242-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 750,31 кв. м. бўлган кафе-бар биноси (олтита омборхона ва ёрдамчи хоналар) қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 296 321 828 сўм.

2. Аукцион савдосига Бухоро вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 22 июндаги 20-1506-6507-сонли, 2015 йил 6 декабрдаги 20-1505/9621-сонли, 2015 йил 17 сентябрдаги 20-1503-13522-сонли, 2015 йил 12 октябрдаги 20-1506/14612-сонли, 2015 йил 12 октябрдаги 20-1506/14615-сонли, 2015 йил 23 ноябрдаги 20-1507/18592-сонли ижро варақаларига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 20-«А» уйда жойлашган, ер майдони 7906,55 кв. м. бўлган қозонхона қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 114 161 406 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 октябрь куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртманомалар 2016 йил 10 октябрга қадар иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти) қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закатат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва ваколатли вакил учун тасдиқланган ишонч-номани тақдим этишлари лозим.

Аукцион савдоси голибига кўчмас мулк қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Заказатат тўлови учун реквизитлар: «Real estate business» МЧЖ, х/р: 20208000000485440001, АТ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро минтақавий филиали, МФО: 00115, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш

ҳамда кўшимча маълумот олиш манзили:

200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй.

Телефонлар: (0-365) 221-59-55, (+99893) 383-01-38, 383-00-17.

www.rieltor-buxara.uz

Электрон почта: muxabbatka@list.ru

Хизматлар лицензияланган.

12904/009

ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

10-юбилей

Марказий Осиё халқаро кўргазмаси

2016 йил, 7 — 9 сентябрь

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ».

ITE Uzbekistan
Тел.: (+998 71) 205-18-18.
E-mail: caitime@ite-uzbekistan.uz

ON-LINE РҲЙХАТДАН ҲТИНГ

11609/11

Guvohtoma № 3583

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.17 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6